

КИТОБ МАРМАРИ

Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида мамлакатимиз корхоналарида юқори технологик қурилиш-пардозлаш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган янги дастурни ишлаб чиқиш ва унинг ижроси устидан қатъий назорат ўрнатиш лозимлиги алоҳида таъкидланган эди.

Хисор тоғлари бағрида Менделеев даврий система-сида кўрсатилган ўнлаб табиий бойликлар бор. Бугунги кунда дунё бинкорларининг эътиборини тортаётган Китоб мрамари ана шундай қимматли табиий ресурслардан ҳисобланади. «Қашқадарёмрамар» корхонаси Макрид, Искана, Совуқбулок, Томчи ота, Бирқунлик, Қайнар конларидан тонналаб қимматбаҳо тошлар қазиб оляпти. Бундан бир неча йил муқаддам Европа Тарақийёт ва Тикланиш банкидан кредит олинб, Италиянинг «Тема-Фругали» фирмасидан замонавий ускуналар олиб келиб ўрнатилди. Янги технология маҳсулот харидорлиги ва рақобатбардошлигини оширди, катта иқтисодий фойда келтирди. Айни пайтда Қашқадарё мрамари Россия давлатига экспорт қилинапти. Жамият Санкт-Петербургда ўзининг савдо уйини очини режалаштирган.

Мармар тайёрлаш қийин ва машаққатли жараён. Қудратли ускуналар ёрдамида тоғ қоялари бағридан мармар тошлар кесиб олинади. Тажрибали сангтарошлар йирик хрсанглари ўткир пўлат аралар билан бўлақларга ажратиб, ишлов беришади. Мармар плиталардан турли хилдаги қопламалар, зина устунлари, панжара, фаввора, саҳн безаклари, ҳатто гулдон, карниз, чироқдон, тоқча каби уй-рўзгор буюмлари ясалади. Чиройли ва бежирим пардозланган маҳсулотларни кўздан кечирав эканиси, қўли гул устлар маҳоратиға тан берадиси, нафислиги, гўзаллигиға қойил қолмас.

Мамлакатимизда кўп сонли миллат ва элат вақиллари қатори минглаб озарбойжонлар ҳам халқимиз билан ёнмаён яшаб келмоқда. Маданият марказлари фаолият кўрсатиб турибди. Бу ҳам икки халқ дўстлигининг тагин-да қалинлашуви учун муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда ашаётганимға беш йилдан ошди,- дейди Озарбойжон Аҳборот агентлигининг Марказий Осиёдаги муҳбири Гулу Кенгерли. - Тошкент ва Боку бир-бириға ўшаб кетади. Одамларимизнинг табиятида ҳам умумийлик бор. Қуни кеча Наврўз байрами ҳар икки давлатда катта тантана билан нишонланди. Бу ёрда «Кайнона», «Аршин-молоно» каби озарбойжон фильмларини қизиқиб томоша қилишади. «Ўтган кунлар», «Маҳаллада дув-дув гап», «Тошкент - нон шаҳри», «Ёр-ёр», «Туйлар муборак» каби ўзбек фильмлари озарбойжон томошабинлари қалбидан жой олган. Азалий дўстлигимиз бундан кейин ҳам янада ривожланишиға ишонаман.

Икки мамлакат орасидаги алоқалар нафақат маданий, балки ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳаларда ҳам давом этиб келмоқда. Бунда икки мамлакат раҳбарларининг хизматлари бекиёсдир.

Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг мамлакатимизға давлат ташири азалӣ алоқаларнинг бардавом бўлишида катта аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Рустам ЖАББОР, ЎзА шарҳловчиси

Иззат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» муҳбири

Суратларда: корхона фаолиятидан лавҳалар. С.ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар

ОҚ ХАЛАТЛИЛАР ОЛИС

ҚИШЛОҚЛАРДА

Наврўз байрами арафасида Оҳангарон туманидаги Эйвалек қўрғонида замонавий қишлоқ врачлик пункти иш бошлади. «Эйвалекмаҳсулмиробетон» хиссадорлик жамияти ҳамда Алишер Навоий номидаги ширкат ҳужалиги ҳомийлигида барпо этилган шифо масканида тўрт нафар олий, ўн бир нафар ўрта махсус маълумотли тиббиёт ходими саккиз мингдан зиёд кишиға хизмат кўрсатмоқда.

Туманимиздаги қишлоқ врачлик пунктлари сони ўн еттига етди,- дейди туман марказий шифохонаси бош шифокори Аъзамали Мирсиддиқов. - Соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш давлат дастуриға мувофиқ чекка ҳудудларда яна учта тиббиёт муассасаси қурилмақда.

(ЎзА)

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 23 март, сешанба № 50 (1683)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

АЗАЛИЙ ДЎСТЛИК АБАДИЯТИ

Ўзбек ва озарбойжон халқларининг қон-қардошлик алоқалари минг-минг йиллик тарихға эға. Тилимиз, динимиз бир, урф-одат ва анъаналаримиз ҳам уйғунлашиб кетган. Бу уйғунлик асрлар давомида ривож ва сайқал топиб келмоқда.

«Хамса»чилик анъанасиға озарбойжон шоири Низомий Ганжавий асос солгани тарихдан маълум. Орадан икки ярим аср ўтиб, ҳазрат Навоий туркий тилда илк «Хамса»ни яратди.

Навоий бешала дostonида ҳам Низомий номини ҳурмат билан тилға олади, уни устоз деб билади.

Назм аҳлининг афсаҳул-қаломини, Сўз дурриға мунтазим Низомий, Ул Ганжада ганждек ниҳоний, Беш ганж қўюб, вале нишоний.

- дейди Алишер Навоий. Озарбойжон муитоз адабиётининг етук намояндаси Муҳаммад Фузулий ўз навбатида Алишер Навоий ижодидан илҳом ва куч-қувват олган. Асарларида Навоий номини юксак эҳтиром билан эслаган.

Навоий Озарбойжонда қанчалик шўҳрат толган бўлса, бизнинг юртимизда Фузулий шеърлари шу қадар севиб ўқилади. Адабий давраларда тез-тез фузулийжонлик кечалари ўтказиб турилган.

Ўтган асрда икки халқнинг Гафур Фулом, Мақсуд Шайхзода, Самад Вурғун ва бошқа кўлаб ижодкорлари бу алоқаларнинг мустаҳкамланишиға ҳисса қўшидилар. Бу тарихий дўстликни улғувчи қанчадан-қанча байтлар яратилди. Не-не шоирлар бу икки мамлакатнинг номини ҳам бир-бириға қофия қилмаган!

Эъзозлаб турибди кўтариб бошға, Бугун озар эли Ўзбекистонини...

... Низомий болидан ҳалво пиширмиш Навоий забт этиб туркий жаҳонини...

...Мавжуд бўлмасайди оламда агар, Ўйлаб топар эдим Озарбойжонини,

- деб ёзган хассос шоиримиз Абдулла Орипов. Мамлакатимизда кўп сонли миллат ва элат вақиллари қатори минглаб озарбойжонлар ҳам халқимиз билан ёнмаён яшаб келмоқда.

Маданият марказлари фаолият кўрсатиб турибди. Бу ҳам икки халқ дўстлигининг тагин-да қалинлашуви учун муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда ашаётганимға беш йилдан ошди,- дейди Озарбойжон Аҳборот агентлигининг Марказий Осиёдаги муҳбири Гулу Кенгерли. - Тошкент ва Боку бир-бириға ўшаб кетади. Одамларимизнинг табиятида ҳам умумийлик бор. Қуни кеча Наврўз байрами ҳар икки давлатда катта тантана билан нишонланди. Бу ёрда «Кайнона», «Аршин-молоно» каби озарбойжон фильмларини қизиқиб томоша қилишади. «Ўтган кунлар», «Маҳаллада дув-дув гап», «Тошкент - нон шаҳри», «Ёр-ёр», «Туйлар муборак» каби ўзбек фильмлари озарбойжон томошабинлари қалбидан жой олган. Азалий дўстлигимиз бундан кейин ҳам янада ривожланишиға ишонаман.

Икки мамлакат орасидаги алоқалар нафақат маданий, балки ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳаларда ҳам давом этиб келмоқда. Бунда икки мамлакат раҳбарларининг хизматлари бекиёсдир.

Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг мамлакатимизға давлат ташири азалӣ алоқаларнинг бардавом бўлишида катта аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Рустам ЖАББОР, ЎзА шарҳловчиси

Тошғузор-Бойсун-Қумқўрғон темирйўл қурилишида БУРИЛИШ НУҚТАСИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалға оширилди. Унлаб йирик ишлаб чиқариш корхоналари ишға тушди, юзлаб маданий-маиший шохобчалар қад ростлади. Қўзни қувнатадиган равон йўллар, замонавий кўприклар фойдаланишиға топширилди.

Айни кунларда ҳам яратувчанлик ишлари қизгин давом этмоқда. Хусусан, республикамизнинг жанубий воҳалари - Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларини бирлаштирувчи Тошғузор-Бойсун-Қумқўрғон темирйўли қурилиши жадаллик билан олиб борилаяпти.

Қумқўрғон-Тангимуш-Пулҳоким участкаси. Улкан эскиваторлар, булдозерлар тоқуви бир зум бўлса-да тинмайди. Термичиларнинг қўли-қўлиға келмайди. Кимдир пайвандалаш, яна кимдир темир-бетон ишларини ётқизиш ишлари билан банд. Тақрибан ҳайдовчилар эса юк машиналарини моҳирлик билан бошқариб, шағал келтириш учун яна ортға қайтади...

Бошқарманиз ишчи-хизматчилари ўз зиммаларига олган масъулиятли вазифани муваффақият билан адо этиш мақсадидан ана шундай фидокорона меҳнат қилишмоқда. Биз билан бақамти ёрдамчи пудратчи ташкилотлар - «Сурхонсуқурилиш», «Сурхонқурилиш», «Сурхондарёавтйўл» бирлашмалари қурувчилари жонбозлик кўрсатишапти.


Ўтган йили бир миллиард 852 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалға оширилди. Бошқача қилиб айтганда, 800 минг метр куб тупроқ ишлари, 5 минг 638 метр куб темир-бетон ишлари бажарилиди. Шу билан бирға темирйўл ёқалаб 22 километр масофада кенг ва равон автомобил йўли барпо этилди.

Жорий йилда эса 2 миллиард 750 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш режалаштирилган. Айни кунларда қурувчиларимиз бу вазифани ўз вақтида қўнгилдайдик адо этиш мақсадидан астойдил меҳнат қилишапти. Айниқсан, участка бошлиғи Мелибой Бобоқуллов, бригадир Аҳмад Чориев, булдозерчи Тохир Мусоев, грейдерчи Холмирзо Аллабердиевлар кўпчиликка ибрат бўлишапти.

Ишчи-хизматчиларимизға етарли шароит яратилган. Ётоқ жой, махсус қийим-кечак билан таъминланган. Уч маҳал бепул иссиқ овқат берилапти. Белги-ланган режани ортин билан ба-жарган ишчилар вақти-вақти билан рағбатлантирилмақда. Байрамларда эсдлик совғалари, муқофот пуллари бериш анъана тусини олган. Бу иш унумининг ошиши, самардорлигининг юксалишиға хизмат қилаётмир. Биз каби юзлаб бунёдкорлар меҳнат қилаётган ушбу темирйўл линияси ишға тушгач, катта ижобий ўзгаришлар амалға ошади. Ҳисоб-китобларға кўра, биргина вилоятимиз ҳудудидан ўтадиган 115 километр темирйўл фойдаланишиға топширилгандан сўнг мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилади. Вилоятнинг Бойсун, Қумқўрғон туманларидаги қишлоқлар, аҳоли яшаш жойларида улкан ижтимоий-иқтисодий юксалиш рўй беради. Бундан ташқари, темирйўл орқали йўловчи ҳамда юк ташуш сифати ва салмоғи кескин равишда ошиб, катта миқдордаги маблаг тежаллади. Бу мамлакатимиз иқтисодиётининг юксалишиға хизмат қилади, албатта. Мана шундай фикр-мулоҳазалар бугун бизни, барча қурувчиларни фидойилик билан меҳнат қилишға ундамоқда.



«Я-ДЕМ ТЕКСТИЛ»: «ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН»



Мамлакатимизда пахтани қайта ишлаш, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришиға катта эътибор қаратилмоқда. Бунда юртимизда фаолият юритаётган қўшма корхоналарнинг ўрни бекиёс.

Куни кеча Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманида «Сурхонтекс» ўзбекистон-АҚШ қўшма корхонасининг очилиш маросими бўлган эди.

Яқинда пойтахт вилоятининг Янгийўл шаҳрида яна бир ана шундай за-ўзбекистон-АҚШ қўшма корхонасининг очилиш маросими бўлган эди.

нинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Янги корхонанинг умумий лойиҳа қиймати 20,7 миллион АҚШ долларига тенг. У Япония, Туркия, Италия, Германия, Жанубий Корея каби мамлакатлардан келтирилган замонавий тўқув ва тикув дастгоҳлари билан жиҳозланган. Унда бир йилда 24 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулот ишлаб чиқарилади. Чиқарилаётган кийим-кечак асосан экспорт қилинади.


Маросимда сўзға чиққан Туркиянинг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва

Мухтор элчиси Решит Уман, Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси раиси А.Баҳромов, «Я-ДЕМ текстил» ишчиси Н.Мавлонова ва бошқалар мазкур қўшма корхона нафақат мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, балки икки давлат халқлари ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

Корхона бош директори Режел Шириннинг айтишича, айни пайтда бу ерда етти юздан зиёд йигит-қиз меҳнат қилмоқда. Корхона тўла қувват билан иш бошлагандан кейин ишчи-хизматчилар сони уч баравар кўпаяди.

«Я-ДЕМ текстил»ға келиб янги касбнинг бошини тутганимдан ва уни пухта эгаллаганимдан жуда хурсандман, - дейди янгийўллик тикувчи қиз Санобар Муллажоннова. - Бу мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётимизни янада юксалтириш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишни қўлаб амалға оширилаётган хайрли ишлар шарофатидан, деб биламан.

Лутфулла СУВОНОВ, ЎзА муҳбири



ХУСУСИЙ МЕҲМОНХОНА

Халқимиз азалдан меҳмондўст, бағрикенг, Улуғ элди, яхши хондонда меҳмон бўлиш эса катта баҳт. Хива шаҳридаги «Арқончи» хусусий меҳмонхона жамоаси бундай баҳтға ҳар кунини, ҳар соатда мушарраф бўляпти. Унинг ташкил қилинганиға ўн уч йил бўляпти.

Истиклол шарофати билан калъасида эскичасига қурилган уйлар ҳозир ҳам бор. Уларда асосан хунармандлар-қулоллар, ёғоч ва ганч ўймакорлари, заргарлар, мисгарлар ва бошқа касб эгалари яшаганлар. Уларнинг аксарияти номига касбини кўшиб айтиш азалий одат. Ҳасановлар оиласини эса арқончи дейишади. Боиси ота-болалари ип йигириб, арқон тайёрлаш билан шуғулланганлар. Шу касб-корини билан рўзгор тебратганлар.

Собиржон Ҳасановни, унинг оиласини Хоразмда кўпчилик танийди. Эндилкида бу оила ҳақида хорижликлар ҳам илиқ фикрлар билдиришмоқда. «Бир кун туз еган жойға қирқ кун саром фарз» деганларидек, бу оила дастурхонидан нон-туз еганлар сон-саноксиз. Хусусий меҳмонхона очиб Собиржон акада бирданиға пайдо бўлгани йўқ. У ўн йилға яқин Хива гиламчилик корхонасида экспедитор (таъминотчи) бўлиб ишлади. Ушунда комбинатға кун оша турли жойлардан делегациялар вакиллари, меҳмонлар келишар, уларни жойлаштириш масаласи ҳамиша ташвиш туғдирарди. Чунки меҳмонхоналарда бўш ўринлар

бўлса-да, улар келганларға унчалик ўтиришмасди. Шунда Собиржон ака мамыриятға шахсий меҳмонхона қуриш ҳақида таклиф билан чиқди. Аммо собиқ шўролар даврида бундай хайрли ишларни амалға ошириш осон эмас эди. Турли расмиятчиликлар «Бор отанға, бор онантға» қабилдаги сарсон-саргардончиликлар Собиржон акани кўп қийнади. Фақат мустақиллик режаларини рўёбға чиқаришда таянч ва суянч бўлди. Собиржон аканинг ташаббуси билан қурилган хусусий меҳмонхона ишға тушди, қадим шаҳар қўрғиға қўрқ, бу табарруқ тупроққа қадам ранжиди қилган меҳмонлар қувончига қувонч қўшди.

Меҳмонларни кутиб олиш, уларға иззат-икром кўрсатиш, намунали хизмат қилишдек хайрли ишда Собиржон акаға турмуш ўртоғи ва фарзандлари қўлдош, йўлдош, кўмакдош. Меҳмонхона мавқеини ошириш учун биргаликда жон қўйдириб меҳнат қилишди. Кечасими, кундузими, исталган вақтда келган меҳмонларни жойлаштириш ва овқатлантириш имкониятлари мавжуд. Эндилкида қадимий Хиваға келаётган кўп сонли сайёҳлар учун «Арқончи» эшиги ҳамиша очик, таниш. Аввал бу ерда бўлган кейинги сафар худди ўз уйларидек кириб келишаверади. Хорижликлар билан ишлаган даврда Собиржон

ака ҳам, оила аъзолари ҳам уларнинг дид-қизиқлиқларини яхши ўрганиб олишди. Италиянинг хоразмча қовурилган балъкни, французлар юмуртқа барак (тухум чўчварани), америкаликлар паловни яхши кўришади. Умуман паловни барча мамлакатдан келган меҳмонлар хуш кўриб иштаҳа билан ейишади.

Собиржон Ҳасанов билан мулоқотда бўлсангиз, у хусусий бизнес осон иш эмаслигини қайта-қайта таъкидлайди. Қисқа вақт ичида қатор сайёҳлик фирмалари билан яқин алоқа ўрнатишға эришди. Шулардан бири «Пактривал» Италия-Россия қўшма сайёҳлик фирмаси. Бу эса келадиган сайёҳлар сафини янада қонғайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу ва бошқа фирмалар билан ҳамкорликда «Арқончи» меҳмонхонасида бўлаётганларнинг кўнгли хотиржам. Буни уларнинг фикрларидан ҳам билиш мумкин:

Канадалик сайёҳ Петер Бишоп: «Самимийлигингиз учун раҳмат! Меҳмонхонангиз ишиға муваффақият тилаймиз. Биз бошқа юртдошларимизни ҳам бу ерға келишға даъват этамиз».

Франциялик Жюли Селегман: «2001 йилни оиламиз билан «Арқончи» меҳмонхонасида кутиб олдик. Бизға маҳаллий уй шароитидаги бу меҳмонхонада яшаб кўриш имконияти жуда ёқди. Қадим шаҳар манзаралари кўз олдинда намоён

Холис фикр

бўлади. Хоҳласангиз санъаткорлар хизматидан баҳраманд бўласиз. Хоразмлик бахшилар, халфалар ижролари бизда ёқимли таассуротлар қолдирди».

Собиржон ака келаётган меҳмонлар кўпчиликл эканлигини назарда тутиб, ўтган йил яна бир қўшимча катта меҳмонхона очди. Банкдан 20 миллион сўм миқдорда қарз олиб, 1983 йилда Ал-Хоразмийнинг 1200 йиллик юбилейи муносабати билан қурилган Қўша ва Бокча дарвозалари ўрталлиғидаги савдо уйи мажмуини таъмирлаб, меҳмонхонаға айлантирди. Айни йилларда бу ерда қадим шаҳарни лифт орқали чиқиб томоша қиладиган баланд минора қад ростлайди.

Хайр-саховат, меҳр-муруват Собиржон акаға хос инсоний фазилатға айланган. «Меҳрибонлик уйи»ға, боқувчисини йўқотганларға хайр-эхсонлар қилиб туради. Ҳар йили Рамазон ва Қурбон Ҳайити, Наврўз байрамларида элга эш беради. Тўғруқона, болалар шифохонаси ва ўзи ўқиган Аваз ўрнатиш мактабини таъмирлашға ёрдам бериб туради.

«Арқончи» саховати, ҳиммати, хизмати билан мустақил мамлакатимизға, дунёға тобора интилиб бормоқда. Ўзбек халқининг меҳмондорчилигини ўз фаолиятида намоён этаётмир.

Абдулла САФОЕВ

Кўшама корхона — хориж ишончи
«ЎЗЭКСАЙД»
АККУМУЛЯТОРЛАРИ
харидорлар эътиборини тортмоқда

1998 йилнинг октябр ойда Жиззах шаҳрида «ЎЗЭКСАЙД» Ўзбекистон-Америка кўшама корхонаси ташкил этилган эди. Лойиҳа киймати 90,3 миллион АҚШ доллари миқдоридagi йирик ишлаб чиқариш мажмуаси қурилиши низоҳисига етказилиб, кўшама корхона иш бошлади. Қурилиш ишлари ва технологик жиҳозларни ўрнатиш Туркиянинг «Ай-сель» фирмаси томонидан амалга оширилди.

Бу ерда бир йилда 1 миллиондан ортиқ олти турдаги аккумуляторлар ишлаб чиқарилади. Унинг эллик фоизини республикамиз эҳтиёжи учун, қолган ярмини эса экспортга жўнатиш мўлжалланган.

Марказий Осиёда ягона «ЎЗЭКСАЙД» кўшама корхонасининг имкониятлари жуда катта, — дейди кўшама корхонанинг бош директори Қудратилла Рафиков. — Корхона асосан маҳаллий хомаш ҳисобга фаолият юритмоқда. Йилга 8 минг тонна кўрғошин қолдиқларини қайта ишлайдиган цех ҳам қурилиб, ишга туширилди. Энг қувонарлиси, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг хорижга сотилаётганлигидир.

Ҳақиқатдан ҳам кўшама корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар «Варта», «Фиами» ва «Атлас» каби машҳур фирмалар маҳсулотларидан асло қолишмайди. Хатто ҳозирданок Россия ва

Стандартлаштириш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда хизматлари сертификатлаштириш тизимини янада тақомиллаштириш, унинг замонавий талабларга мувофиқлигини таъминлаш баробарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида соҳа ходимлари томонидан бирмунча ишлар амалга оширилмоқда.

Самарқанд вилояти стандартлаштириш ва метрология бошқармаси томонидан корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг экспорт қилинишига эришиш мақсадида услубий кўмак бериб келинмоқда. Хусусан, экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи 22 та корхона ва ташкилотда меъёрий техник ҳужжатларнинг халқаро стандартлар талабларига жавоб бериши ўрганиб чиқилди. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, аввало технология жараёнлари замонавийлаштириш, маҳсулотнинг ташқи бозорда рақобатбардошлиги ва харидор-ғирлигини ошириш талаб этилади. Шунга кўра «Сино» очик турдаги ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган музлатгичларнинг меъёрий ҳужжатлари халқаро стандартлар талабларига мосланди. Эскирган термозоляция линияси Италияда ишлаб чиқарилган замонавий технологияга алмаштирилди.

Кўрсатилган ёрдам туфайли янги технология ўзлаштирилиб, музлатгичлар дизайни яхшиланишига, электр энергияси сарфини камайтиришга ҳамда арзон ва хавфсиз музлатгичлар ишлаб чиқаришга эришилди. Натijaда «Сино» маҳсулотларининг рақобатбардошлиги ошди. Кўшни давлатларга маҳсулот экспорт қилиш корхонада 400 минг АҚШ доллари миқдорига фойда келтириши кутилмоқда.

Ўзбекистон тамғаси билан

Синов ва сертификатлаштириш маркази томонидан ўтган йили 7 минг 334 та мувофиқлик сертификати берилди. Бошқа давлатларнинг 489 та мувофиқлик сертификати эътироф этилди. 1998

МУВОФИҚЛИК СЕРТИФИКАТИ

йилда вилоятда ҳаммаси бўлиб 9 та корхона оммавий маҳсулот ишлаб чиқариш учун мувофиқлик сертификатига эга бўлган бўлса, бугунга келиб улар сони 200 тага етди. Синов лабораторияси замонавий воситалар билан жиҳозланган. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида энг сифатли маҳсулотлар ва хизматлар аниқлашга қаратилган турли танловлар ўтказиб келинади. Бошқарма ҳам ушбу аънанани кўллаб-қувватлаган ҳолда «Самарқанднинг энг сифатли маҳсулоти» кўрик-танловини ташкил этган эди. Унда турли мулкчилик шаклидаги 60 дан зиёд корхоналар ўз маҳсулотлари билан иштирок этиб, «СамКЮЧавто», «Самарқанд-Антел», «Сингапур-Самарқанд» кўшама корхоналари, «Богизов», «Нафис», «Афросиё-Гранит» жамиятлари гoлиб деб топилди. Мўҳим, тадбир самараси ўларoқ ушбу жамоалар экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришди.

Кейинги йилларда қиёслашдан ўтказилган ўлчов воситалари сони бирмунча ошди. Жумладан, марказ мутахассислари ўтган йили 76 минг 722 та ўлчов воситасини «Метрология тўғрисида»ги қонун талаблари асосида қиёслашдан

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЧИЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Яқинда Денов шаҳрида вилоят таълим ва фан ходимлари касабa уoшма кўмитасининг ижтимоий шерикчилик тамойилларини амалга оширишда бошланғич ташкилотлар нубузини ошириш масаласига бағишланган семинар ўтказилди. Унда шаҳар, туман тармоқ кўмиталари раислари, шунингдек, энг фаол бошланғич касабa уoшма ташкилотларнинг вакиллари иштирок этишди.

Кун тартибидаги асосий масала бўйича таълим ва фан ходимлари касабa уoшма кўмитаси раиси ўринбосари, ташкилий ишлар бўлими мудири Н.Екубов маъруза қилди. Маърузачи вилоятда тармоқ ходимларининг мафсааларини химоялаш, уларнинг меҳнат муҳозазасини яхшилаш борасидаги ишлар ҳақида фикр юритди. Шунингдек, 7 та туман ва 8 та ҳудудий вакиллик касабa уoшма кўмиталари, 6 та ўрта махсус касб-хунар таълими ўқув муассаси ва 1 та олий ўқув юрти касабa уoшма кўмитаси ҳамда 292 та юридик шахс макомига эга бўлган бошланғич касабa уoшма ташкилоти ҳaқ таълими, касб-хунар ўқуви муассасалари ҳамда Термиз Давлат Университети маъмурияти билан ижтимоий шерикчилик тамойилларини асосида фаолият кўрсатиб келаётганлиги таъкидланди. Айни пайтда бу ташкилот ва муассасаларда 73486 нафар касабa уoшма аъзолари меҳнат қилмоқда. Улардан 8120 нафари олий ва ўрта махсус ўқув юртиларнинг талаба ва ўқувчилари, 65366 нафари таълим ва фан соҳасида ишлаётган ходимлар ҳисобланишди.

Тузилган тармоқ келишувлари ва жамоа шартномаларига асосан иш бeрyвчилар ҳамда касабa уoшма кўмиталари ҳар йили касабa уoшма аъзоларига моддий ёрдамлар кўрсатиш, соғлиқларини мустаҳкамлаш, фарзандларининг ёвоғдан олишларини маъмурий уюштириш, спорт ишларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Шунингдек, семинарда ходимлар ҳуқуқий мафсааларини химоя қилишга қаратилган «Фурқаролар мувожазати тўғрисида» мавзусида кўмига ҳуқуқшуноси И.Тошпўлатовнинг маърузаси тингланди. Вилоят кўмитасига ўтган йилда жами 73 нафар ҳақ-ҳуқуқи поймол қилинган тармоқ ходимларидан 43 та ёзма ва 30 та оғзаки мувожазотлар тушган. Асосан ишдан ноқонуний бўшатирилган, иш ҳақи нотўғри тулган, олий иш ҳақи ўз вақтида берилмаётганлиги ҳақидаги мувожазатларнинг барчаси ижобий ҳал этилган.

Семинарда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касабa уoшма Марказий кўмитаси ташкилий ишлар бўлими бош мутахассиси М.Мурзаева сўзга чиқиб, ижтимоий шерикчилик борасида қилиниши лoзим бўлган ишлар тўғрисидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Тадбир сўнгида ўтган йили самарали меҳнат қилган бир гуруҳ фаол бошланғич касабa уoшма ташкилотлари раҳбарларига вилоят тармоқ ходимлари касабa уoшма кўмитасининг эсдалик совғалари топширилди.

Т. ШЕРНАЕВ,
«Ишонч» мухбири

БАНК КЎМАГИ

Олтириқ туман «Халқ банки» аҳолини ижтимоий химоялаш тадбирларига катта эътибор қаратмоқда. Кейинги йилларда банкда аҳолига хизмат кўрсатишнинг тубдан яхшиланиши бу ерда мижозлар сонининг кескин ошишига олиб келди. Банк кўмаги билан кўплаб ўрта ва кичик бизнес субъектлари очилиб, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Биргина ўтган йилнинг ўзига ана шу мақсадларга 59 миллион сўм ажратилди. «Бобур» хусусий дорихонаси, «Ойбек» ёқилги қўйиш шохбoчаси, Бoбoхoн Абдуллаевнинг нон ишлаб чиқариш хусусий тадбиркорлик субъекти шулар жумласидандир. Уларга берилган мақсадли кредитлар ўз вақтида қайтарилиши билан бирга жойларда 16 кишилик янги иш ўринлари яратилди.

Банк жорий йилда бу борадаги ўз фаолиятини янада кенгайтириш билан бирга уй-жой қурилиши, мебел, машина ва талабалар учун ҳам кредитлар ажратишни кўзда тутмоқда.

С.АБЗАМОВА



Умумхалқ байрами Наврўз арафасида мамлакатимизда яна бешта кўшама тўқимачилик корхоналари ишга туширилди. Кейинги йилларда Ўзбекистон энгил саноати ўз тарихида мисли кўрилмаган юксалишни бошидан кечирмоқда. Бир вақтинг ўзида республикамизнинг Андижон, Наманган, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида киймати салкам 50 миллион долларлик янги объектларнинг қурилаётгани сўзимизнинг исботидир.

«Ўзбекенгилсаноат» «Эмтекс» «Ўзбекистон-Туркия давлат акциядорлик компанияси маълум қилишларича, ушбу корхоналарнинг ҳар бири мамлакат ва тармоқ, хусусан бунёд этилаётган вилоят учун муҳим аҳамияти касб этиши шубҳасиз.

Амалга оширилаётган лойиҳалардан энг салмоқлиси бир неча йилдан буён тўхтаб ётган Янгийўлдаги йўл қурилиши техникаларини таъмирлаш заводи ҳудудида Туркиянинг Demir Group компанияси билан биргаликда ташкил этилган «Ядем текстил» Ўзбекистон-Туркия кўшама корхонаси ҳисобланади. Мазкур корхонанинг лойиҳа қуввати 20,7 миллион долларни ташкил этади.

Кўшама корхона негизда республикада биринчи марта бир вақтинг ўзида пахта-ип калава-и ҳамда йилга 20,3 миллион дoна трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўзда тутган технологик тизим барпо этилди.

«Сурхонтекс» Ўзбекистон-Америка кўшама корхонаси Сурхондарё вилоятидаги дастлабки тўқимачилик кўшама корхонаси бўлди. АҚШнинг BRI компанияси ва «Сурхонтўқимачи» акциядорлик жамияти ҳамкорлигида 13,1 миллион долларлик лойиҳа амалга оширилди. Корхона юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан бирга қишлоқда 500 та иш ўринлари очига имкон берди.

Андижон вилоятидаги тўқимачилик тармоғи эса биварақли икити янги кўшама корхонага бойиди. Бoбур номидаги ОАЖ негизда барпо этилган

«Эмтекс» «Ўзбекистон-Туркия кўшама корхонаси шундан бичоринчиси ҳисобланади. Лойиҳа доирасида Фарғона вилоятида тикув буюмларини доналаб бўяшга имкон бeрyвчи 1,75 миллион доллар қийматидаги бўш-пардозлаш заводи ташкил этилди.

Германиянинг TextilgroupHOF компанияси ҳамкорлигида Швейцариянинг ISB Holding компанияси иккинчи лойиҳа, яъни «Балиқчилик» Ўзбекистон-Германия-Швейцария кўшама корхонасининг муассисларидан бўлди. Тармоқ бозорига йиллик айланма маблағи 3 миллиард еврадан зиёд, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда жаҳондаги етакчи компаниянинг кириб келиши ўзбек маҳсулотларининг сифати яхшиланиб, Европа бозорларида унинг ҳажми кўпаяётганидан далолат бeради. Дастлабки бoсқичи 9,75 миллион долларни ташкил этган лойиҳанинг кейинги тақдирини айнан шу компания билан боғлиқ.

Нихоят, бешинчи корхона Наманган вилоятининг Исқовут кўрғонига қурилган «Иско-вуттекс» Ўзбекистон-Швейцария кўшама корхонаси ҳисобланади. Жами киймати 9,9 миллион еврони ташкил этган ушбу лойиҳанин рўббга чиқариш учун атиги олти ой вақт кифой қилди. Бу ерда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг саксон фоизини пахта-ип калаваси ва трикотаж газламалари ташкил этади.

Лойиҳа техникалий иқтисодий асослари ҳисоб-китоблари

Наврўз муҳфаси

га кўра юқорида номлари зикр этилган корхоналарнинг ишга туширилиши пахта толаси қайта ишлаш йиллик ҳажмининг 17,4 минг тоннага, калава ишлаб чиқаришнинг 15,3 минг тоннага, газламани 10,9 миллион погон метрга, трикотаж газламаларини 6,7 минг тоннага таъйёр трикотаж ва тикув маҳсулотларини 24,7 миллион дoнага кўпайтириш имконини бeради. Бунда тармоқнинг экспорт салоҳияти 64 миллион долларга

лаги 20,4 миллион долларни ташкил этади. Қолган қисми эса «хукумат кафолатисиз жалб этилган сармоялардир.

«Ўзбекенгилсаноат» ДАК мутахассисларининг фикрича, мазкур ҳoлат сармоядорларнинг Ўзбекистон бозоридagi аҳолидан батафсил хабардорлиги, қўйилган маблағлар эртага ўзини оқлаб, фойда олишга бўлган ишончини тасдиқлайди.

Жорий йилда тўқимачилик саноатини замонавийлаштириш учун қарий 110 миллион доллар жалб этиш режалаштирилмоқда. Бунинг 60 миллион доллари бевосита сармоялар ҳисобидан амалга оширилди.

Эслатиш жоизки, 2002 йилда республика ҳукуматининг 2005 йилга қадар энгил саноатни ривожлантириш дастури тасдиқланган эди. Мазкур дастурни амалга ошириш доирасида тармоққа 1,046 миллиард доллар ҳажмидаги сармояларни жалб этиш ва ўзлаштириш мўлжалланмоқда. Бу маблағлар техник жиҳатдан янгилишни ва тармоқдаги қирқта корхона қурилишини тугаллаш дастурига йўналтирилади. 2005 йилга бoриб, толани қайта ишлаш 470 минг тоннага етади. Бу 2001 йилда қайта ишланган 240 минг тоннага нисбатан қарий икки бараварни ташкил этади.

1991-2003 йиллар мобайнида «Ўзбекенгилсаноат» ДАК тўқимачилик корхоналарига 980 миллион доллар миқдоридagi чет эл сармоялари жалб этилган бўлиб, уларнинг 450 миллион доллари бевосита сармоялар ҳисобланади.

Иқтисодийётнинг бошқа соҳаларига хос бўлган муаммолар бу тармоққа ҳам бeгoна эмас. Аммо ҳамма ижобий ўзгаришлар тарозига қўйиладиган бўлса, тўқимачилар Наврўз айёмини муносиб меҳнат ютуқлари билан қўли олмақда, дейишга тўла асос бор.

«Туркистон-пресс»



2004 йил - Меҳр ва мурувват йили

МАСЛАҲАТЛИ ТҶЙ ТАРҚАМАС

«Меҳр-мурувват». Бу сўз замирида кишини эзгуликка, яхшиликка ундовчи, камолотга қорловчи тeрaн маъно бирини. Бинобарин, 2004 йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилиниши ҳамда амалга оширилаётган кўплаб савoбли тадбирлар асосида у бугун ўз мазмун-моҳиятини яна бир маротаба тўла намoён этади.

Туман «Оқсоқоллар» Кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси ўз олдига меҳр-саховатга йўғрилган эзгу, савoбли ишларни амалга оширишни муҳим вазифа деб белгилаб олган. Шунга биноан мавжуд 20 та фуқаролар йиғини ва 41 та маҳалла кўмиталари томонидан олддиндан тузилган режа-дастур асосида иш олиб бoриляпти. Хусусан, маҳаллаларда истиқомат қилаётган кам таъминланган оилалар, яқка-ёғиз қариялар ва ногиронлар рўйхатга олинган бўлиб, уларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатилляпти. Бунда хомий ташкилотлар, тадбиркорларнинг беминнат кўмаги, саховати муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўтган йили жамғарма томонидан ёлғиз кексалар, ногиронлар ва етим-есирларга 1 миллион 600 сўмлик моддий ёрдам берилди. Жумладан, 300 минг сўмлик пойабзал, 110 минг сўмлик спорт анжумалари тақдим этилди. Янги йил арафасида эса туман ҳокимлиги ҳамда хомийлар иштирокида ҳам таъминланган оилалар фарзандлари, ота-онасиз бола-қонларга мингдан зиёд

кадар эришган озми-кўпми ютуқларимиз ана шу ақидага амал қилган ҳолда фаолият юритаётганлигимиздандир. Негаки, ҳар қандай ишни бошладан аввал маҳаллалардаги кўпни кўрган нуронийлар, фаоллар билан маслаҳатлашиб, сўнг бир тўхтамага маҳаллалар доирасида, балки туман мексисида амалга оширилаётган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Туман ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар кўмитаси, «Нуроний» ҳамда «Соғлом авлод» жамғармалари, турли ташкилот ва корхоналар билан ҳамкорлик ўзининг ижобий самарасини бeрмоқда. Мисол учун, ўсмир-ёшлар ўртасида тарбиявий ишларни олиб бoришда туман прокуратураси ва ички ишлар бўлими билан мустаҳкам алоқа ўрнатганмиш. Шу ҳамкорлик самараси ўларoқ турли спорт тўғарoқ тур очилган. Мазкур тўғаракларнинг спорт машғулотларига ёшларни жалб этишда маҳаллалардаги милиция таянч пункти но-зирилари ва педагог-тарбиячилар биргаликда иш олиб бoришмоқда.

Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

Бадураулу исломов, Бўстонлик туман Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси

ЎЗИБЎЛАРЧИЛИК

мактабларнинг қаровсиз қолишига сабаб бўлмоқда

Ҳар қандай давлатнинг бугуни, келажаги, маданий-маърифий саноати таълим тизимининг қай даражада ривожланиши билан ҳам боғлиқданди. Шу боис «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида мамлакатимизда ушбу тизимни жаҳон андозалари даражасига мос тарзда ислоҳ қилиш, янги илм масканларини қуриш, уларни замонавий техника воситалари билан жиҳозлаш ишлари изчиллик билан давом этмоқда.

Балиқчи туманида бугунги кунроқ 56 та умумтаълим мактаби, 3 та коллеж, 2 та гимназия, 2 та лицей ва интернат мавжуд бўлиб, уларда 36743 нафар ўқувчи-ёшлар таълим олишаётир. Шундан 8 та мактаб замонавий компьютер билан жиҳозланган. Тумандаги 39-мактаб намуналий илм маскани мақомига эришган бўлиб, Япония грантини кўлга киритган. Ўқувчи-ёшларнинг илм эгаллашдаги кўлга киритаётган ютуқлари ҳам мактабга арзигulik. Жумладан, ушбу ўқув йилида 2 нафар ўқувчи инглиз ва она тили бўйича республика олимпиадасида иштирок этди. Бошқа кўпгина филар бўйича ҳам ўқувчилар қувонарли натижаларга эришмоқда. Спортнинг кўл тўли тури бўйича 25, 51, 8-мактаб қизлари «Умид Nicholson»нинг вилоят бoсқичида соҳибдор бўлишди. Фолибикка эришган ўқувчи ва мураббийлар туман халқ таълими томонидан рағбатлантирилиб бoрилмоқда. Туман ҳокимлиги ҳам мактабларнинг моддий таъминоти ва таъмирлаш ишларига жиддий эътибор қаратган. Жумладан, ўтган йил ўқув йили бошланиши олдидан барча илм даргоҳлари жорий таъмирдан чиқарилди. Мактабларга ёрдам бeриш учун хомийлар жалб этилди.

«Балиқчи» ва «Пахтакор» ширкат хўжаликлари 17, 20-мактабларга қўшимча бино қуриб бeришди. Саховатлий хомийлар мадади билан турли хил инвентарлар сотиб олинмоқда.

Бироқ, шуни таъкидлаш жоизки, тумандаги баъзи мактаб-

«Ишонч» фoш этади

ларнинг бугунги ҳолати анчайин аянчлидир. Ақсарият мактаблар қурилганига кўп вақт бўлган. Улардаги ўқувчилар фойдаланадиган ўқув анжомлари ҳам эски.

Илм масканларидаги аҳвол билан яқиндан танишиш мақсадида 9-мактаб бўлди. Қурилганига 20 йил бўлган билим даргоҳида 1000 нафарга яқин бола икки сменда ўқимокда. Барча ўқув жиҳозлари эски. Ушбу ўқув йилида бошланғич синфлар учун 16 та янги парта келтирилган, холос. Сифноналар номинидаги жиҳозланган, 7 та ўқув доккаси яроқсиз холга келган. Шунга ўхшаш манзарани тумандаги 8-мактабда ҳам кўриш мумкин.

Маслаҳат қилмоғида жойлашган, 500 нафар ёшлар билан оладиган 38-мактабда атиги 10 та синф хонаси мавжуд. Халигача бу ерда стадион йўқ. Спорт зали ҳақида эса умуман гапирмаса ҳам бўлади. 1992 йилда замонавий типдаги мактаб қурилаётган эди. Иш бошлангача, қишлоқ аҳли дўпписини осмонга отгудек қувонган эди. Йўқ, шундоқ ҳам аччиқ инчадек чўзилган қурилиш 1995 йилга келиб хўжалик раҳбарининг аралашуви ҳамда «маблаг йўқ»лиги рўқча қилиниб, таққа тўхтаб қолди. Қолган ишга қор ёғар деганларидек, чала қолган мактабдаги қурилиш материалларини баъзи кимсалар ташиб кeтa бoшлашди. Умуман олганда, туманда

чала қолган, қурилиши тугалланмаган 6 та мактаб мавжуд. Кишининг дилини хира қилувчи бундай ҳолатларни қолган бошқа мактабларда ҳам учратиш мумкин.

1730 нафар ўғил-қиз таълим оладиган 35-мактаб энг йирик илм даргоҳларидан. Бир неча йиллардан буён таъмирланмаганидан томларида чакка ўта бошлади. Иситиш тизимлари ишдан чиқди. Коридорлар ҳам таъмирталаб. Мавжуд 37 та доскадан 8 таси ишлатишга яроқсиз. Худудини кўздан кечирганимизда, эътиборимизни тортгани шу бўлдики, бу ерда кўплаб дарахтар кeсиб ташланган. Лекин ўрнига бирорта кўчат экилмаган. 36-мактабда ҳам аҳвол юқоридагидан қолишмайди. Турли хил дархатларга бой бўлган мўъжазгина боғдан ҳозир асар ҳам йўқ. «Бирни кeссанг, ўзини эк» деган ота-боболаримиздан қолган доно нақлини бу ердагилар унутган қуринадди.

Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари тўхтаб қолган. Ҳар йили раҳбарлар алмашавериб, мавжуд аҳолини яхшилаш ўрнига, ҳаммаси ҳар ёққа судрашган. Хуллас, мактаб худди эгасиз қолган ҳовлини эслатади.

О.ЭРҒАШЕВ,
«Ишонч» мухбири

